

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 16 (66245)
2000 йил 20 апрель.

Сотувда эркин нарҳда

Яқинда «Зангори экран»да бир улуғ мажлисни кўрдим. Унда пойтахтимиздаги Оқсаройда юртбошимиз миллий гоё, миллий мафкура ҳақида суҳбат ўтказдилар. Президентимиз нутқидан сўнг олимлар, шоирлар ҳам ўз фикрларини билдиришди.

Очиғи мен ҳали миллий гоё, миллий мафкура нима эканини яхши билмайман. Лекин мажлисдаги гаплардан тушунганим шу бўлдики, Президентимиз биз болалар нималарни ўрганаётганимиз, ўқиётганимиз устида бош қотирмоқдалар. Уйда, мактабда, ўртоқларимиз даврасида нималарни ўйлашимиз, нима ҳақида куйлашимиз, орзу-мақсадларимиз билан қизиқдилар. Суҳбатдан сўнг мен ҳам

БИЗНИНГ МИЛЛИЙ ГОЯМИЗ

беихтиёр шу нарсалар ҳақида ўйлай кетдим.

Кунлар сездирмайгина ўтиб кетаверар экан. Биз гоҳ ўйинга берилиб, гоҳ китоб ўқиб, гоҳ кинолар кўриб, ўтказётган қимматли вақтларимизда келажак учун ҳам нималардир ҳозирляяпмизми? Баркамол шахс бўлиб етишиш учун қандай замин тайёрляяпмиз? Содда қилиб айтганда бугун мен иқтисод дарсида олган «аъло» баҳодан эртанги кунимга қандай наф бўлади. Бугун танаффус пайтида дугонам Гулноза билан тортишган баҳс-мунозарамиз истиқбол боғида бирорта гул ўсиши учун бир томчи шабнамчалик аҳамиятлими? Ана шунга ўхшаш саволлар миямда чарх урмоқда. Оталардан қолган азиз Ватанни обод ва озод ватанга айлантириш учун биз ўсмирлар, ёшлар нима ишлар қилишимиз зарур? Бу саволларга аниқ, энг тўғри жавобни топишимиз шарт. Эҳтимол бунақа ҳам масъулиятли масалаларни ҳал қилишга биз ҳозирча ёшлиқ қилармиз. Лекин уларнинг ечими топилмаса бўлмайди. Демак, катталарнинг ёрдами керак бизга. Улар «болалар

бўш вақтингизни мана бундай ўтказинглар. Бўлар-бўлмас нарсаларга вақт, куч сарфламасдан мана бунақа юксак мақсадларга етиш йўллари ҳақида ўйланг, изланг. Ҳаммангиз мақсад аравасини ҳар ёққа тортқиламасдан куч-имкониятларингизни ягона оҳанграбо атрофига бирлаштиринг, дейиши керак. У оҳанграбо, менимча - Ватан манфаати! У оҳанграбо- Ватанга муҳаббат, садоқат! У бошни баланд тутиб, ўз халқимиз билан, ўз Ватанимиз билан фахрланиш, гурурланиш бахти, имконияти!

Бир оз баландпарвоздек эшитилган бу сўзлар бизнинг қон-қонимизга, жон- жонимизга сингиб кетиши зарур. Ана ўшанда биз ҳаммамиз бирлашиб, бўлинмас, енгилмас ХАЛҚ бўламиз! Юртбошимиз бизларни ана шунга даъват этмоқдалар. Бу ишда ўзлари ҳаммага намуна бўлиб, истиқлол ва истиқбол манфаатлари йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Шундай экан, ҳаммага ибрат намунаси бўлиб яшаётган, олға бораётган юртбошимизнинг ҳар бир сўзларига амал қилайлик, менимча. Биз учун миллий гоё, миллий мафкурамиз,

Истиқболга йўл

илдизимиз - мана шу! Агар биз Ер бўлсак- унинг мевалари мана шу! Биз агар келажак йўлидаги йўлчи бўлсак- йўлчи юлдузимиз ҳам- мана шу! Ҳа, мен ҳурматли Президентимизнинг қилаётган ишлари, айтётган сўзлари ва режаларини ўзбек халқининг юрагидаги гаплари, истиқболга элтувчи йўл деб тушунаман. Шунинг учун уларни дарс вақтида ҳам, ўзаро баҳсларда ҳам, мунозара кечаларида ҳам ўқиб, таҳлил этайлик! Мағзини чақиб, онгимизга қуяйлик!

Хуршида РАСУЛОВА,
Андижон шаҳридаги
Ҳамид Олимжон номли
4-мактаб ўқувчиси.

Таҳририятдан:

Болалар! Тенгдошингиз Хуршиданинг фикр ва мулоҳазалари сизни баҳс мунозарага чорласин. Шунинг учун мақолани диққат билан яна бир марта ўқинг-да, ўз келажагингиз учун ҳозирлаётган заминингиз ҳақида чуқур ўйланг ва ўйларингизни бизга ёзиб юборинг. Янги рукн «Истиқболга йўл» хатларингизга мунтазирдир.



ЮРАГИМИНИНГ БИР БЎЛАГИ-ЎЗБЕКИСТОН

Ватан ягонадир

Ўзим Маҳачқалъа шаҳрида яшасам-да, Ўзбекистонга тез-тез меҳмон бўлиб келаман, дейди онахон Бика Усаева. Чунки Тошкентда юрагимнинг бир парчаси бўлмиш қизим ва набирам Муроджон истиқомат қилишади. Қизим Марина Тошкент Давлат тиббиёт институтида ўқитувчи. Ҳар сафар қизимни кўргани келганимда Тошкент шаҳри янада гўзаллашиб кетганини кўриб ҳайратга тушаман. Набирам билан бирга шаҳар айланганимда тинч, осуда юртини янада фаровонлаштириш учун жон куйдириб ишлаётган одамларни кўриб, очиғи, ҳавасим келади.

Бу йил Ўзбекистонга Президент сайловлари арафасида меҳмонга келдим. Қизим билан бирга сайловга чиқдим. Халқнинг ўз Президентини сайлаш учун бажонидил сайловга чиқ-

қанининг гувоҳи бўлдим. Ислом Каримовнинг ўз юрти осойишталигини сақлаб туриш учун елиб-югураётганини кўриб, бағри кенг бу инсонга ҳурматим ошди. Ахир мен урушни кўрдим, биродарқушлик урушида яқинларимнинг қони тўкилганини ўз кўзинг билан кўриш нақадар даҳшат эканлигини яхши биламан. Бу даҳшатларни кўргач тушундимки, дунёда энг бебаҳо нарса, бу-тинчлик экан. Жигаргўшаларим тинч, осуда юртда яшаётганидан кўнглим равшан тортиб, яна юртимга қайтиб кетдим.


Қизим ҳар сафар «Онажон, биз билан қола қолинг» дейди. Тошкентни қанчалик яхши кўрмай, киндик қоним томган юртни қўмсайман... Кетаётганимда эса набирам Муроджонга «Инсон қаерда яшамасин, қай миллатга

мансуб бўлмасин, Ватани битта бўлади. Киндик қонинг томган, ота-онанг ҳоки қолган Ватан доим муқаддасдир, якка-ю ягонадир. Фарзандларини кўз қорачиғидай асраб, уларнинг камоли учун ҳамма шароитларни яратаётган, ҳатто бутун бошли бир йилни «Соғлом авлод йили» деб атаган халқингнинг, юртбошингнинг умидларини оқлагин. Токи сендек фарзандни борлигидан Ўзбекистон фахрлансин», деб

уқтираман.

Гарчи ўзим узоқда яшасам-да, Ўзбекистон юрагимнинг бир бўлагига айланган, жаннатий юртни доим эслаб соғинаман, юртидаги тинчликни барқарор этиб, соғлом келажак учун қайгураётган Ўзбекистон Президентининг ўз хайрли мақсади йўлида толмаслигини тилаб дуо қиламан.

Сайёра ҲАМИДОВА
ёзиб олди.



ҚУВОНЧ МАКТАБИ

- Мактабимиз 1983 йилда ташкил топган бўлиб, 1990 йилда Республикада биринчилар қатори лицей синфлар очдик. Ҳозирда мактабда 51 та синф мавжуд бўлиб, унда 1300 ўқувчи билим олмоқда. Шулардан 16 таси лицей синфларидир. Ўқувчиларга 86 ўқитувчи 1 та профессор, 3 та фан номзоди, 8 та олий, 32 та биринчи, тоифали, 38 та иккинчи тоифали, қолаверса мутахассислар сабоқ бермоқдалар.

Ўқувчилар бўш вақтларини бекор ўтказмасликлари учун турли тўғараклар ташкил қилинган. Менимча, ўқувчи



мактабга юракдан қувониб келиши керак. Дарслардан қочиб кетмай, ўз ихтиёри билан қатнашсин. Бунинг учун мактабни «қувонч» мактабига айлантириш лозим. Ўқитувчилар ўқувчини ўз фарзандидек қабул қилиб, вақти келганда озгина эркаликларини кўтара олсин. Асосийси - ўқувчи кўнглига йўл топиш. Шундагина ижобий натижага эришиш мумкин, деб ўйлайман. Дарсларда янги педтехнологиядан фойдаланамиз. Масалан, меҳнат фанини олайлик. Дарсга 30 та тол новдасини олиб кириб, ўқувчиларга тарқатилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи хоҳлаган нарсани ясайди. Бир хил нарсга яшаш шарт эмас. Шунда ўқувчи фикрлай бошлайди. Қийналганларига эса ўқитувчи йўналиш беради. Натижа ёмон бўлмайди. Биз иқтидорли ўқувчилар борми?, деб сўраганимизда, Шавкат ака собиқ ўқувчилари Яшнар Зокирбеков, Қобил Сиддиқов каби Республика олимпиадаси голибларини фахр билан тилга олдилар.

Синф хоналарини кузата туриб, 1- «Б» синфига келиб қолибмиз. Ўқиш дарси бўлаётган экан. Мавзу: «Билай десанг» шеърини ифодали ўқиш. Ўқувчиларнинг раво, ифодали ўқишларига ҳавасимиз келди. Уларни рағбатлантириш учун устозлари Мастура Азизова нишонлар ясаб, яхши, ифодали ўқиган ўқувчига дарс сўнггида топширдилар. Нишон олган ўқувчиларнинг қувончлари чексиз. Мастура Азизова бошланғич синфда дарс бериш билан бирга, мактаб руҳшуноси вазифасида ҳам ишлар эканлар.

Саҳифани Гулюз тайёрлади.



Азиз ўқувчилар! Тенгдошларингиз қандай мактабларда ўқийётганлари билан албатта қизиқсангиз керак. Бу ҳақда сизларга ҳикоя қилиш учун бир мактабга йўл олдик. Зангиота туманига етиб келдик. Бу ерда ижодкор устозларингиз анжумани, моҳир устозлар дарслари ўтказилаётган экан. Бўка, Чиноз, Янгийўл, Паркент, Оҳангарон, Чирчиқ, Ангрен каби жойлардан, Республика Таълим Маркази, Тошкент вилояти Малака ошириш институти, Қори Ниёзий номли ПФИТИдан ҳам меҳмонлар келишган экан. Кутубхонадаги газетамиз тахламларини кўриб, бу газетхон ўқувчилар ҳақида ёзишга аҳд қилдик. Шунингдек, мактабга киришимизданоқ кўтаринки кайфият, ўқувчилар одоби, озодлик ва самимият эътиборимизни тортган эди. Ўқувчиларнинг формалари бир-бирдан чиройли. Устозлар эса синфларда биринчи соатдаги дарсни бошлаб юборганлар. Ишни мактаб директори - Мадумаров Шавкат Расулович билан суҳбатлашишдан бошладик. Шунинг айтиб ўтиш жоизки, директор ўз касбининг моҳир устаси бўлибгина қолмай, ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида катта ҳурматга эга экан. Бунга қўйида ёзганларимизни ўқиб, ўзингиз гувоҳ бўласиз.

РУҲШУНОС ОПАМИЗ НИМА ДЕЙДИЛАР?

Бошланғич синфда дарс берганим туфайли ўқувчиларининг кўнглига қараб иш тутаман. Чунки улар жуда ёш, боғчадан тўғри мактабга келаверган - эркатойлар. Баъзилари дарсда оналарини соғиниб қолади. Шунда уларга оналари билан бирга дарсга ўтиришга рухсат берган вақтларим ҳам бўлган. Уйим мактабга яқин бўлганлиги учунми, ҳар куни эрталаб ўқувчиларим билан бирга келаман. Ўқувчини руҳий тарбиялашнинг аҳамияти катта. 1-синфдан яхши ўзлаштирмайдиган ўқувчиларга «Сендан келгусида ҳеч ким чиқмайди» деб кўринг-чи, кўнглидаги орзулари чил-парчин бўлади. Агар унга «Ҳали ҳаммаси олдинда, кўлингдан ҳамма иш келади» десангиз, бола кўнгли кўтарилиб яхши томонга ўзгара бошлайди. Энг асосийси ўқувчи қалбини тинглай билишдир. 10-синф ўқувчиси ҳам болалик қилиб хато қилиши мумкин. Шунда ўқитувчи уни кечира билиши лозим.

Қилаётган ҳар бир ишимда устозим Шавкат Мадумаровдан маслаҳат оламан. Ўқувчига биргаликда тарбия берилса иш самарасиз кетмайди.

Мактабга кираверишда, ажойиб бир хонага кўзингиз тушади. Қанақа хона, дейсизми? Жугрофия муаллимаси Мукаррам Тожихонова мактабда музей ташкил қилибдилар. Музейда ўқувчилар томонидан йиғилган эски буюмлар, янги сопол идишлар, кўзачалар, сўзаналар, турли топилмалар ва бошқалар мужассам. Музейни кузата туриб Мукаррам опа Тожихонова билан суҳбатлашдик.

МАКТАБДАГИ «ФАРМОНБИБИ»

-25 йилдан буён ўқитувчилик касбининг нонини ейман. Ўқитувчилик касби мен учун энг ҳалол касблардан биридир. Ўқувчиларга жугрофиядан сабоқ берибгина қолмай, қизлар билан алоҳида, ўғил болалар билан эса ўғил болачасига гаплашиб тураман. Уларни қийнаган саволларига жавоб беришга, ҳаётда тўғри йўлни кўрсатишга ҳаракат қиламан. Қиз бола- оиланинг гули. Уларни одобли, ҳаёли, иболи, ифбатли, номусли қилиб тарбиялаш даркор. Дарсдан сўнг қизларни йиғиб, ҳаётий мавзуларда суҳбатлашаман, уларга миллий таомларимиздан юпқа, қатлама, ўрама каби пишириқлар пиширишни ўргатаман. Қизларга ҳаёт қийинчиликлардан осон чиқиб кетиш йўлларини тушунтираман.

Ўғил бола ўқувчиларимга эса Амир Темур, Спитамен, Широқларни ўрнак қилиб кўрсатаман. Уларни мард, жасур, оқил, ишбилармон бўлишга ундайман. Синф хоналарини ҳам ўғил болалар билан бирга безатамиз. Хоналар керакли ўқув-жиҳозлари билан таъминланган. Бунда ўқувчиларни ҳам ҳиссалари катта.

Ҳозирда етти келиним билан мактабда ишляпман. Ҳамма орзуларимга секин- секин эришдим. Биргина орзуим- Фармонбиби ролини ижро этиш. Албатта, бу ҳазил. Байрамларда қучоғим гулларга тўлиб кетади. Ўқувчиларим эъзозидан. Улар билан фахрланаман.

Мактаб кўрки - аълочи ўқувчилар ҳисобланади. Қани, мактабимиз аълочилари нима дер эканлар?



Қизларнинг ўзи ҳам, кийими ҳам гўзал.

АЪЛОЧИЛАР САФИДА

Аввал Зулфия мукофотига номзод ўқувчилар билан суҳбатлашасак: Сайёра Маърифхонова- 6- «Г» синф ўқувчиси.

- Саккиз ёшимдан шеър ёза бошлаганман. Биринчи шеърим улуг бобомиз Алишер Навоий ҳақида. Шеъримни ёзиб, келинойимга кўрсатдим. Улар яхши ёзибсиз, деганларидан сўнг, «Ватан», «Шайтонча», «Устоз» номли шеърларимни ёздим. Келажакда ҳамшира бўлмоқчиман. Яхши шеърлар ёзиб, болаларни даволайман.

Дунёга боқинг сиз меҳр билан, Қалбдаги эзгу ниятлар билан. Осмон кўркемидир юлдузи билан, Одамлар гўзалдир ўз сўзи билан...

Ақром Ҳамидов, 11 - «А» синф ўқувчиси.

-Математика, ҳуқуқ фанларига қизиқаман. Келажакда иқтисодчи бўлмоқчиман. Ниятим - яхши ўқиб, мутахассислигим бўйича Ўзбекистоннинг иқтисодини юксалтиришда ўз ҳиссамни қўшишдир.

Фахриддин Каримов, 11-«А» синф ўқувчиси.

-Ҳамма фанлардан баҳоларим аъло. Тарих, ҳуқуқ фанларига қизиқаман. Келажакда орган ходими бўлмоқчиман. Жамиятимиз тинчлигини сақлаб, юртбошимиз бошлаган ишларини давом эттираман.

Назира Тешабоева, 10-«А» синф ўқувчиси.

-Синфимизда 21 ўқувчи аҳил ва иноқ бўлиб ўқиймиз. Тадбирларга доимо биргаликда қатнашамиз. Дарсдан ташқари каштачилик тўғрарига қатнайман. Тўқишни анча-мунча ўрганиб олдим. Орзуим - шифокор бўлиш. Дадам шифокорлар, уларга ҳавасим келади. Ҳозирдан химия, биология фанларини чуқур ўрганаёпман.

Маърифат Шамсиддинова, 10-«А» синф ўқувчиси.

-Қиз бола- бўлажак уй бекаси. Мен ҳам турли пишириқлар пиширишни яхши кўраман. Шунинг учун пазандлик тўғрарига қатнашаман. Ширин пишириқлар пишириб, уйдагилар кўнглини оламан. Келажакда ўқитувчи бўлиб, математика фанидан дарс берсам, дейман. Устозим Мунира опа Хўжаевага ҳавас қиламан. Дарсга тайёрланмай келган ўқувчини жазоламайман. Сабабини аниқлаб, ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Ирода Рихситиллаева, 10-синф ўқувчиси.

- Дарсдан сўнг репититорга қатнайман. Мақсадим- олийгоҳга кириб билимимни мустақамлаш. Соч турмак-лашга қизиқаман. Соч узун қизларга ҳавасим келади. Ўзимнинг ҳам сочим узун. Уни кесмасликка ҳаракат қиламан. Қизларга маслаҳатим: сочлари хоҳ узун, хоҳ қалта бўлсин, доим силлиқ тараб, сочларини парвариш-лаб юришин.

Насиба Ҳошимова, 10- синф ўқувчиси.

- Ҳамма нарсдан ўқишни биринчи ўринга қўяман. Дарсдан бўш вақтда тикувчиликка- АДОга бораман. Кўлимдан кўйлақчалар тикиш келади. Мактабни битириб, тиббиёт техникумига ўқишга кирмоқчиман. Педагог бўламан. Устозларимдан Исmoil аканинг дарсларини диққат билан тинглайман. Тарих фанини фақат китобдан эмас, балки ҳаётдан олиб ўқидилар. Барча устозларимга соғлиқ-саломатлик тилайман.

Шаҳноза Азизова, 6-«А» синф ўқувчиси.

- Инглиз тили, она тили ва адабиёт фанларига қизиқаман. Баҳоларим фақат аъло. Дарсдан ташқари инглиз тилидан қўшимча дарсга қатнайман. Уйда эса ойижонимга қарашаман. «Янги авлод» студиясининг «Бўш ўтирма» кўрсатувини севиб томоша қиламан. Келажакда ойижонимга ўхшаб, бошланғич синф ўқитувчиси бўламан.

Мана, азиз ўқувчилар, аълочилар фикрлари билан танишдингиз. Сизнинг мактабингизда қандай ўзгаришлар бўлаётми? Янгиликлар билан газета орқали тенгдошларингиз билан ўртоқлашинг. Бунда сизга «Тонг юлдузи» яқиндан ёрдам беради, деб қоламиз.

-Космонавт бўлиш учун инсон қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

Жаҳонгир: -Космонавт бўлиш учун ниҳоятда соғлом, жисмоний чиниққан бўлиши лозим. Бунинг учун спорт билан мунтазам шуғулланиш керак.

-Фақатгина соғлом бўлиш керакми?

Шаҳзод: -Йўқ. Яна билимдон ва ақлли инсон космонавт бўла олади.

-Ҳа, космонавт кемадаги йўловчи эмас, у учувчи ва шунинг учун у кема система ишини назорат қилиши, унинг учини бошқариши лозим. Космонавт космик кема кабинасига ўтиришидан аввал физика ва астронимияни, навигация ва алоқани, автоматика ва яна кўпдан-кўп бошқа фанларни ўзлаштириб олиши лозим. 1961 йилнинг 12 апрелида академик Королёв Сергей Павлович биринчи космонавт Юрий Алексеевич Гагаринни парвозга йўллади. У инсоният тарихида биринчи бўлиб Ер атрофида парвоз этди.

Болалар, космик кема бир неча бўлмалардан иборат бўлади. Асосий бўлма - бу космонавтлар кабинаси. Бу бўлма инсон ҳаёти учун ҳалокатли бўлган космик муҳитдан бутунлай аж-

Республика ижтимоий йўналишдаги махсус гимназиянинг 1-«Е» синфда «12 апрель - космонавтлар куни» мавзuida маданий-маърифий суҳбат бўлди. Синф раҳбари Толипова Муборак ўзи тайёрлаган кўргазмали қурооллар ёрдамида коинот сирларини, ундаги мўъжизаларни ва забт этилиш тарихини шундай сўзлаб бердики, болаларда катта таассурот қолдирди. Саҳналаштирилган кўринишлар, «ҳаракатланаётган сайёралар» ўзига маҳлиё қилиб қўйди. Суҳбат давомида ўртага савол ташланар, 1-синф ўқувчилари эса жавоб беришга ошиқар эдилар.

иборат. Абдуҳалил Мансуров мана шундай катта муаммони бартараф қилган ўзбек олим. У фазога кўтарилган космонавтларнинг Ердан соғсаломат учиб, яна Ерга омонлик билан қайтишнинг чорасини топиб, бутун дунё олимларини лол қолдирган. А. Мансуров Ю. Гагариндан ташқари яна жуда кўп космонавтларнинг доктори бўлиб узоқ йиллар давомида ишлаган. Нафақага чиққанидан кейин Тошкентга келиб шу ерда яшаган. Мен А. Мансуров билан шахсан учрашиб, суҳбатини олганман. Бу учрашув менинг устозим шоира Мукаррама Муродова бошчилигидаги «Шуъла» адабий уюш-

БЎЛАЖАК ФАЗОГИРЛАР

Мустақиллик бизнинг ўқувчиларимиз учун кенг йўللари очиб берди. Мана, тахминан ўн йиллардан бери Тошкентда «Халқаро Аэрокосмик мактаб» фаолият кўрсатмоқда. Бу мактаб академик Шавкат Воҳидов раҳбарлигида «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида фаолият олиб бормоқда. Ушбу масканда бутун дунёдан болалар келиб, коинот илмидан баҳраманд бўладилар. Йилда бир марта Паркент туманига чиқиб, ҳар хил машғулот-

КОИНОТГА ЙЎЛ

ратилган. Бўлмадаги махсус асбоблар унда ҳаво миқдори, намлик ва температура меъёрида бўлишини кузатиб туришади. Айтайлик, кабина совиб қолди, шу заҳоти асбоблар ишга тушиб, кема ичига иссиқлик киришини кўпайтиради. Иссиқликни Кўёшдан олади. Гап шундаки, кеманинг Кўёш ёритадиган томони кучли қизийди, соя томони эса кучли совийди. Кеманинг устига жуда иссиқ пўстин - иссиқлик изоляцияси қопланган, асбоблар эса иссиқлик ва совуқликни меъёрида тақсимлаб туради. Космик кема асбобларининг ишлаши учун зарур электр энергиясини ҳам Кўёшдан олади.

Космонавтлар нафас оладиган ҳавони вентиляторлар махсус химиявий моддалар орқали ҳайдаб беради. Химиявий моддалар ҳаво таркибидаги зарарли аралашмаларни ютиб, ҳавони кислородга бойитади.

Космик кемада егулик маҳсулотлар тيوبикларда сақланади. Улар худди тиш пастаси тيوبикларига ўхшайди, лекин улардан каттароқ бўлади. Тيوبиклардан овқат сиқиб чиқарилади. Болалар, сизлар ҳаммангиз «Сеними, шошмай тур!» мультфильмини севиб томоша қиласиз. Унинг бир сериясида «Космик кема»га тушиб қолган бўри тيوبикларни сиқиб, ичидан чиққан массадан қуёнча ясаб ейди. Чунки вазнсизлик шароитида нон увюқлари, сув томчилари ноқулайлик туғдириши мумкин. Космик уйда холодильник ҳам, электр плитка ҳам бор. Ана шу асосий бўлмада космонавтлар Ердан учини, шу ерда космик кемани бошқаришади, шу ердан туриб Ер билан радиоалоқа боғлашади. Космонавтлар кабинаси - космик кеманинг Ерга қайтадиган ягона қисми. Космонавтлар унда ўз иш натижаларини, кино ва фотоплёнкалари, ёзувли борт журналларини, тажриба ҳайвонларини олиб қайтишади. Уларнинг ҳаммаси ерда ўрганилади.

ФАЗОГА ЙЎЛ ОЧГАН ОЛИМ

Фазога йўл очишга ўзининг катта ҳиссасини қўшган олим Абдуҳалил Мансуров бўлади. Унинг касби - доктор бўлиб, кейинчалик Ҳарбий Академияда ҳам ўқийди. Шу билан унинг ҳарбий тиббиётдаги фаолияти бошланади. У аввал учувчиларнинг соғлигини назорат қилади. Кейинчалик эса Москва шаҳари яқинидаги «Фазогирлар шаҳарчаси»га келиб, ўша ерда космосга чиққанда инсон танасида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни текширади ва унинг олдини олиш учун тинмай меҳнат қилади. Аниқланишича, тирик жонзот бир неча юз километр юқорига кўтарилганда организмдаги суюқлик қайнаб кетар экан, бу ҳаммага маълумки, инсоннинг ҳам жисми асосан сувдан

маси билан бўлган эди.

МУНАЖЖИМ УЛУҒБЕК

Суҳбатни ўқитувчи Қодирова Сурайё давом эттирди.

-Фазолар билан бизнинг бобокалонимиз Улуғбек XV асрда шуғулланган. Феодал синф намояндаси, тожу тахт соҳиби Мирзо Улуғбек (1394-1449) фаннинг жуда кўп соҳалари, хусусан математика, фалакиёт, мусиқашунослик ва тарих илмалари бўйича забардаст олим, илмфан, маданиятнинг улкан ҳомийси сифатида абад ул-абад тарихда қолди. Олимнинг кўп



Мирзо Улуғбек сиймосида 1-«Е» синф ўқувчиси Бехзод ИКРОМОВ.

йиллик илмий изланишларининг асосий маҳсули бўлмиш «Зижи Кўрагоний» («Улуғбек Кўрагонийнинг астрономик жадвали») юлдузлар ҳақидаги рисоладир. Улуғбек юлдузларни чандон ўрганиш учун Самарқанд шаҳрида расадхона қурдирган. Бу расадхонада ўнлаб олимлар хизмат қилардилар. Улуғбек даврида Моварауннаҳр ўз тарихида иккинчи юксалиш даврини бошидан кечирди. Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда ўнлаб мачит, мадрасалар, ҳаммомлар, қарвон саройлар, йўллар, шифохоналар қурдирган.

Улуғбек кўп вақтини бобоси Амир Темур ташкил этган буюк кутубхона «Китоб гумбази»да турли китобларни мутолаа қилиш билан ўтказган. Улуғбек астрономия соҳасида жуда катта олим сифатида дунёга машҳурдир.

лар ўтадилар. Чунки космосга учган одам ўзига нотаниш бўлган гайритабиий шароитга тушиб қолади. Учиш бошида, ҳали Ернинг тортиш кучи тугамай туриб, космонавт кучли титроққа дуч келади - бутун кема титрайди, космонавтнинг қулоқларини қоматга келтиради, гавдаси бир неча марта оғирлашиб қетади. Кема Ер атрофидаги орбитага чиқиб олганидан кейин моторлар шовқини ўрнини мудҳиш сукунат эгаллайди. Ўта зўриқиш тугаб, космонавтнинг гавдаси бирдан қушдек енгиллашиб қолади. Космонавт бошқа нохуш шароитга - вазнсизлик шароитига кўникиши керак бўлади. Бу каби синовларнинг барчасига чидаш учун жисмоний чиниққан бўлиши керак. Шунинг учун ушбу мактабда ўқийдиган ўқувчилар ҳам парашютлардан сакрашади. Учиш пайтида ҳаво температураси ва босим ўзгарганда космонавт ўзини қандай ҳис қилиши термобарокамераларда синаб кўрилади.

Бўлажак космонавтлар кўп муддат сурдокамералар - бир кишилик камераларда яшашади. Учиш бошидаги ва кўнишдаги ўта зўриқиш қандай ўтиши мумкинлигини билиш учун бўлажак космонавтларни центрифуга ва ўнлаб бошқа снарядларда айлантириб кўрилади. Космонавтда реакция тезлиги, қўрқувни енгиш ҳисси, гайритабиий, баъзан, чидаш қийин учини шароитларига кўникиш хусусиятлари пайдо қилинади. Космонавт исталган вақтда дўстининг ўрнини боса олиши ва учини программасини бажаришга тайёр туриши лозим. Келажакда Ўзбекистон ва Қирғизистон байроқларини коинотга олиб чиққан Солижон Шариповдек ўзбек космонавтлар янада кўпаяди.


XXX

Бугунги дарсимиздан мақсад ўқувчиларимга коинот ҳақида кенгроқ маълумот бериш, бобокалонимиз Улуғбек сиймосини яратиш, шунингдек, космонавтларнинг вазифасини ёритиб бериш эди.

Фан ва техника тараққиёти натижасида инсон Ердан ташқаридаги жисмларни ўрганиш имкониятига эга бўлди. Инсон келажакда қуёш системасидаги ҳамма сайёраларга бора олиши ва ҳатто, қуёш системасидан ташқарига чиқа олиши мумкин. Сунъий йўлдошларнинг инсоният томонидан яратилиши оламни ўзлаштиришдаги дастлабки қадам бўлди.

Барча осмон жисмлари мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтади. Лекин улар қанчалик ўзгармасин, улар таркиб топган материя йўқ бўлмайди. Олам фақат чексиз бўлибгина қолмай, абадий ҳамдир.

Муборак ТОЛИПОВнинг очик дарсини сизларга Муҳаррама ПИРМАТОВА сўзлаб берди.



Азиз болалар! Паркент туманидаги 35- ўрта мактаб ўқувчилари газетамизнинг аввалги сонларида берилган «Қизиқарли саҳифа» ни ўқишибди. Улар менга ўзлари гувоҳи бўлган худди ана шунга ўхшаш воқеаларни гапириб беришди. Мен ҳам эшитганларимни дарҳол сизларга айтиб бергим келди. Ўқинг, баҳс-мунозарарага киришинг!

Озода ТУРСУНБОВА

СИЧҚОНДАН ҲАММА КЎРҚАДИ

Бизнинг синфимиз бир-бири билан жуда ҳам аҳил. Танаффусларда қизлар билан ҳазиллашиб ҳам турамыз. Бир куни болалар билан мактаб ҳовлисида сичқон тутиб олдик. Синфимизда Зилола деган қиз бор эди. У уришқоқроқ бўлгани учун болалар уни унча ёқтиришмас эди. Биз у билан ҳазиллашиш мақсадида Зилоланинг сумкасига сичқонни солиб кўйдик. Математика дарси эди. Зилола жойига ўтириб сумкасида дарслигини ола бошлади. Ҳаммамизнинг кўзимиз унда. Бир маҳал у қаттиқ чинқириб юборди. Сичқон унинг сумкасида чиқиб, «тап» этиб ерга тушди-ю, синф бўйлаб югура бошлади. Биз устозимиз ўтирадиган столга қарасак улар ҳам стулнинг устига чиқиб олиб: «Ҳайданглар, ҳайданглар», - деб бақирдилар. Шу пайт эшик очилиб синфга директор кириб келдилар. Сичқон уларнинг оёқларининг тагидан ўтиб, ташқарига чиқиб кетди.


-Нима гап? - дедилар улар дўқ билан ва устозимиз томон қарадилар. «Сичқон, синфга сичқон кириб қолибди», - дедилар устозимиз. Директоримиз ҳеч қандай сичқон кўрмаганини айтдилар. Мен туриб: «У сизнинг оёгингизнинг тагидан ўтиб кетди», дедим. Директоримиз худди оёқлари тагида сичқон ҳалиям тургандек, апил-тапил коридорга чиқиб кетдилар. Биз уларнинг бу қилиқларини кўриб багтар кулиб юбордик. Бизга директор ҳам, устозимиз ҳам қўшилиб кулишди.

Элдор РИСКИБОВ,
7-«А» синф ўқувчиси



ТЕГМАГАНГА ТЕГИНМА

Бу воқеа ёз кунларининг бирида бўлган эди. Сигир-бузоқларимиз кўп бўлгани учун Фарҳод акам билан ҳар куни боққа ўт ўришга борардик. Бир куни ўт ўриб бўлиб, болалар билан бекинмачоқ ўйнашга кетдик. Қайтиб келганимизда гира-шира қоронғи тушаётганди. Ўрилган ўтни ердан олиб, аравага ортдик. Уйга келгач, ўтни ҳовлига ташлаётган



эдик, бирдан акам бақириб юборди. Мен уларнинг нимага бақираётганини тушуна олмадим. -Илон, - дедилар улар жон ҳолатда. Не кўз билан кўрайки, бояги мен кўтариб аравага ортган ўтнинг орасида ола-чипор илон чиқиб келарди. Илонни дадам ҳам кўрдилар ва уни ташқарига олиб чиқиб ташлаш кераклигини айтдилар. Фарҳод акам паншаҳа билан илонни кўтариб кўчага чиқариб ташладилар. Илон биз ўтни ерга ташлаб кўйганимизда ичига кириб олган экан. Мен кўтарганимда ҳам ичидан бўлган, лекин у менга тегмаган. Биз ҳам тегмаганга тегинма, деган мақолга амал қилдик.

Фаррух АБДУЛЛАЕВ,
3-«А» синф ўқувчиси

ОРОМГОҲДАГИ АРВОҲ

Ёзги таътил кунларида ойимлар мен билан синглимга оромгоҳга йўлланма олиб бердилар. Биз синглим билан йўл тадоригини кўра бошладик. Ниҳоят, биз оромгоҳга кетадиган кун ҳам етиб келди. Ойимлар бизни оромгоҳга олиб бориб, етакчимиз қўлларига топширдилар. Оромгоҳ хуш ҳаво жойда жойлашган экан, атрофида тоғлар кўришиб турарди. Мазза қилиб дам олаётган кунларимизнинг бирида «оромгоҳда арвоҳ бор экан», деган гап тарқалди. Бу гапдан қизлар саросимага тушиб қолди. Чунки бизнинг ётоқхонамизнинг ойнаси куюқ дарахтзор томонга қараган, арвоҳ эса айнан ўша томонда пайдо бўлаётган экан.

Бир куни синглим мени туртиб уйғота бошлади. Мен кўзларимни аранг очиб унга қарадим. У эса титраб-қақшаб дарахтзор томонни кўрсатарди. Мен ҳам шу томонга қарадим-у, кўрқанимдан овозим ҳам чиқмай қолди. Дарахтзор томондан ётоқхонамизга қараб бўйи дарроздек келадиган «арвоҳ» келарди.

Бирдан қичқириб юбордим. Мени бақиримиз бошқа қизларни ҳам уйғотиб юборди. Оппоқ кийинган «арвоҳ» эса сира чўчимасдан биз томон келаварарди. Шу пайт етакчимиз чироқни ёқиб юбордилар. Ёруғликдан «кўрққан арвоҳ» қоқила - суқила қоча бошлади... Эртаси куни оромгоҳда йиғилиш

лишда оромгоҳ дирек-

қандай арвоҳ йўқ,

лар, бугундан бошлаб

вбатчилар кўйилади», -

кечкурун ётоқхонага

Кўзимни юмишга

ётиб, охири ухлаб

Сал ўтмай гала-говур-

кетдим. Қизлар билан

дик. Тунги навбатчи-

етакчиларимиз «ар-

тиб олишибди. Улар-

икки баравар келади-

оппоқ кийимини бир

ушлаганича қўлида

турарди. Бу ерга етиб

оромгоҳ директори «арвоҳ» га: «Кийимларингни еч», -

дедилар. «Арвоҳ»

ечина бошлади. Не кўз билан кўрайликки, «бўйдор арвоҳ»

«гуруҳимиздаги Даврон ва Отабек деган болалар экан. Улар бизни кўрқитиш учун бир-бирларини елкасига чиқиб олиб, оқ чойшабга кўз ва оғизнинг расмини чизиб, устларига ташлаб олишган экан. Узоқдан кўриниш учун эса қўлларига шам ҳам олволишибди. Хуллас, «оромгоҳдаги арвоҳ» кўлга тушгач, ҳеч қандай «арвоҳ» йўқлигига ишониб, кечкурун кўрқмай ухлайдиган бўлдик.

Нигора ҚУШАНОВА,
5-«А» синф ўқувчиси.



тори «Ҳеч

кўрқманг-

тунги на-

дедилар. Биз

кирдик.

Кўрқиб

қолибман.

дан уйғониб

кўчага чиқ-

ликда юрган

воҳ»ни ту-

нинг бўйига

ган «арвоҳ»

чеккасини

шам ушлаб

келган

ВОЙ ОЁҒИМ!...

Бизнинг ертўламызда сичқонлар кўпайиб кетибди. Дадамлар уларни йўқ қилиш учун бурчакларга қопқон кўйдилар. Бир куни ойимлар ертўладан олмали мураббо олиб чиқдилар. Мураббони мазза қилиб едик, лекин у кўп ўтмай тугаб қолди. Ойим, дадам ишда эканликларидан фойдаланиб, синглим билан ертўлага тушиб, олмали мураббо олиб чиқадиغان бўлдик. Ойимлар: «Биз йўғимизда у ерга тушманглар, сичқонлар оч бўлса, еб қўйишади», дегандилар. Синглим бу гапдан кўрқиб, ертўлага тушмайман, -деб туриб олди. У ерга мен тушадиган, синглим эса «қоровулчилик» қиладиган бўлди. Мен чироқни ёқиб пастга тушдим. Ертўлада катта-кичик банклар турарди. Уларнинг орасидан олмали мураббо ёпилган банкани қидира бошладим. Лекин ҳадеганда топа олмадим. Сурилиб-сурилиб бурчакка бориб қолибман. Қопқонлар эсимда йўқ, фикри-хаёлим фақат мураббода эди. Шу пайт оёғимни «тап» этиб бир нима «тишлаб» олди. Ойим айтган сичқонлар эсимга тушиб, додлаб юбордим. Оёғимнинг оғриганига чидай олмай, қўлимдаги банкани ҳам ерга тушириб юбордим. У чил-чил бўлиб синди. Мени бақирганимни эшитган синглим олдимга тушди ва кўрққанидан қайтиб чиқиб кетди. У оёғимдаги қопқонни сичқон деб ўйлабди. Бир амаллаб юқорига чиқдим. Синглим иккаламиз қопқонни ечмоқчи бўлиб роса уриндик. Лекин кучимиз етмади. Шунда синглим кўшнимиз Раҳим акани чақириб чиқди. Улар оёғимдаги қопқонни зўрға ечиб олдилар. Лат еган жойига дори суриб, боғлаб кўйдилар. Кеч бўлгач дадам ва ойим ишдан келишди. Кўшнимиз Раҳим ака ҳазиллашиб: «Тойир, қопқоннингга катта сичқон илинибди, -деб дадамга қопқонни қайтариб бердилар. Дадам мени роса уришсалар керак, деб ўйлаган эдим, лекин индамадилар. Оёғимни лат еган жойини кўриб, «бу сичқон қулоқсиз экан-да», -деб кулиб кўйдилар.

Қобил ИСМАТОВ,
2-«А» синф ўқувчиси

ЧАҚМА-ЧАҚАР – КИМГА ЁҚАР?

Биз Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, Карам қишлоғидаги муаммолар ҳақида илгари ҳам ёзган эдик. Танқидий мақоламиз “Тонг юлдузи” газетасида босилиб чиққандан кейин туман ҳокими мақола муаллифини сўраб -суриштириб: “мана келдик, шу ишни қилдик...” қабиллида



бир боргина ўзларини кўрсатиб кетганларича орадан мана икки ярим йилдан ошайптики, ҳанузгача бизнинг арзимиз ҳаволарда учиб юрибди. Бу орада туманга яна янги ҳоким сайланди. Аммо ҳеч қандай ўзгариш амалга ошгани йўқ.

Ҳамон бутун бошли бир қишлоқда биттагина артизон қудуғи бор. Газ йўқ. Қишдан ҳам эсон-омон бир амаллаб чиқиб олдик. Лекин баҳор, ёз, куз ойларида ҳам аҳволимиз бундан баттарроқ бўладиганга ўхшайди. Мактабимиз икки қишлоқ нарида жойлашгани учун дарсларга ким ўзарга югуриш ўйнаб бориб келамиз. Электр энергияси ҳам тез ўчиб туради. “Шайтанат”ни юрак ҳовучлаб, чала ярим кўрдик.

Жамоа ҳўжалигидаги “Ким ошди”га қўйилган ҳаммом йиллар давомида ишламайди.

Хатимизни ўқиб, ҳурмагли ҳоким бува, чақма-чақарлигимиздан хафа бўлсалар керак.

Яна чақамиз: Кумариқ қишлоғидаги аҳвол бундан ҳам баттар. Айниқса қиш бўйи ёнмаган газ учун хонадонлардан Райгаз ходимлари газ ҳаққини ундириб олишларини айтмайсизми? Қоғозда гўё ҳамма нарса туман аҳолиси учун бекаму- кўстдай. Аслида-чи?.. Биз болалар эса ёлгон ваъдаларга кўника олмаяпмиз. Шу кунларда

*Булоқ бўлсанг- кимни қондирдинг,
Чақмоқ бўлсанг, не из қолдирдинг?*

деган шеърни туман раҳбарларимизга ўқиб бериш учун ёдлаб юрибмиз.

*Шаҳноза ЭРГАСHEВА, Хуршида БОЙМИРЗАЕВАларнинг
ПОСБОНЧАга айтганлари*



КЕНГСОЙ ЕРДАН ЧИҚҚАН ҚУЗИҚОРИНМИ?...

Тошкент вилояти, Тошкент тумани худудидаги Ҳасанбой жамоа ҳўжалигида бўлганмисиз? Чорсу бозори автобекатидан 123-автобуста боргандирсиз-а? Ҳа, яшанг! Лекин шундоққина Ҳасанбой жамоа ҳўжалигига қўшни бўлган Кенгсойга-чи? Йўқми? Унда ҳамённи бақувват қилиб, белни маҳкам бойлаб бориш керак бўлади. Албатта бормоқчи бўлсангиз.



«Ҳамённи бақувват қилиб» деганимнинг боиси у ерга, яъни, Кенгсой қишлоғига ё такси кира қилиб борилади ёки бўлмаса маршрут таксисида борилади. Автобус йўқ!

«Ие, ҳамма жойга қатнаётган автобус нега Кенгсойдек жаннатмакон жойга қатнамайди?», деб ҳайрон бўлманг. Илгари 2 та автобус қатнаган. Юнусобод тумани 3-автокорхонасига қарашли бўлган автобуслар кейинчалик Ҳасанбой жамоа ҳўжалигининг ДАН постидан бу юзи Юнусобод тумани тасарруфига ўтказилган. Худди шу ерда Ҳасанбой жамоа ҳўжалиги аҳолиси ҳам, Кенгсойликлар ҳам туппа-тузук қатнаб турган автобуслардан маҳрум бўлишди.

Мана, энди аканг қарагай ҳам пиёда Кенгсойга қатнашга мажбур бўлаяпман. Таксига чўнтак кўтармайди. Ҳасанбой ДАН постигача салкам бир соат хиргойи қилиб етиб олишимни ўйласам... Лекин нима қилай, республика агробизнес коллежида талабаман-да. Турли миллат вакилларида иборат бўлган Кенгсойликларнинг дил оғриқларига чидай олмай ушбу хатимни сенга йўлладим, «Зирапча!» Автокорхонадагиларни «инсоф»га келтириб қўй. Ахир қачонгача талабалар чўнтак кўтармайдиган таксиларга сарғайиб қарайди?!

Тўғри, коллежимиз бизга автобус ташкиллаган. Барибир Кенгсойликларнинг узоғини яқин қиладиган ўз автобуси бўлиши керак-ку.

Сенга ишонч ва ҳурмат билан: ПОСБОНЧА.

“Миш-миш”ми ёки ҳақиқат?

Мен, Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 47-ўрта мактабда ўқийман. Мактабимиз Шоҳидон қишлоғида жойлашган. Мен каби билимга чанқоқ ўқувчилар ўқув масканимизни кўркам бўлишини хоҳлайдилар. Чунки мактабимиз биноси анча эскирган. 1-8 синфгача 500 атрофида ўқувчилар билим оладилар.



Айтишларича, билим гўшамизнинг бундан уч йил олдин янги қурилиши режалаштирилган экан. Ҳокимият томонидан мактаб учун ер майдони ва қурилишига маблағ ҳам ажратилган экан. Билмадим, бу мишмишми ёки ҳақиқат. Мактабимиз

ҳамон ўша- ўша: “эски ҳаммом эски тос”.

Эҳтимол, мақоламни ўқиб, мутасадди раҳбарлар бу масалага ойдинлик киритишар. Биз ҳам замонавий мактабларда ўқишни истаймиз, ахир!

ПОСБОНЧАга берилган интервьюдан.

ОЁҚДАН УЗУН МҮЙЛОВ

Бўш ўтирма

(10 секунд ичида жавоб беринг)

1. Нима ҳамма тилда гапиради?
2. Нима соқоли билан туғилди?
3. Ниманинг мўйлови оёғидан узун?
4. Ниманинг беш бармоғи бору, лекин бирорта ҳам тирноғи йўқ?
5. Одамзодда нима кўп?
6. Дунёда нима чаққон?
7. Дунёда нима югурик?
8. Дунёда нима қиммат?
9. Қиличдан ўткир нима?
10. Юқоридан пастга қараб ўсадиган нарса нима?
11. Юмуқ кўз билан нимани кўриш мумкин?
12. Қирғоқ билан сув ўртасида

нима бор?


13. Кўприк устида кетаётган одам оёғининг тағида нима бор?
14. Юки бўлса юрадиган, юксиз тўхтайдиган нарса нима?
15. Қайси жойда дарёлар сувсиз, шаҳарлар уйсиз бўлади?
16. Қайси ҳайвон қиш бўйи бошини пастга қилиб ухлайди?
17. Қайси жойда осмон пастда бўлади?
18. Қайси сўроққа ҳеч қачон «ҳа» деб жавоб бериб бўлмайди?
19. Қайси сўроққа ҳеч қачон «йўқ» деб жавоб бериб бўлмайди?
20. Қандай идишни сира тўлди-

риб бўлмайди?

21. Денгиз остида қандай тош бўлмайди?
22. Қандай соат суткасига икки марта вақтни тўғри кўрсатади?
23. Топишмоқ сўзини қандай ўқиш мумкин?
24. Ёмғир ёғиб турганда қарға қандай дарахтга қўнади?
25. Қора мушук қай вақтда уйга осонгина кира олади?
26. Сув қаерда устундек туради?
27. Ахмоқ қачон оқил бўлади?
28. Қачон учни кўриб ўн беш деймиз?
29. Ёниб турган саккизта чироқ-

нинг учтаси ўчса, нечтаси қолади?

30. Бўш қоринга нечта тухум ейиш мумкин?
31. Сизнинг нимангизни сиздан кўра бошқалар кўпроқ айтади?
32. Бешта чўпнинг нечта учи бор, беш яримтасининг-чи?
33. Отамнинг ўғли, лекин менинг акам ҳам эмас, укам ҳам эмас. У ким?
34. Беш ҳарфли сичқон ушлайдиган қопқон топа оласизми?



NIYAT

Chaman gullar oralab
Ranglarini saralab,
Chiroylisini uzdim,
Ajib guldasta tuzdim.

Olib kirib xonamga
Ta'zim qilib onamga
Dedin gullarim sizga
Ilohim kiring yuzga.

Onajonim, onajon,
Orzularim bir jahon,
Sira ham zavol ko'rmang,
Doim bo'ling sog'-omon.

*Gulhayo TURSUNOVA,
Kattaqo'rg'on tumanidagi
28-o'rta maktabning 1-v sinf o'quvchisi*



BAHOR

Bahor kelib soz bo'ldi
Biz tomonga g'oz keldi,
Boychechaklar ochildi,
Ham bo'ylari sochildi.
Gul desangiz gullar bor
Hamma guldek bahtiyor.

*Nodirabegim RAJABOVA Komil qizi,
Buhoro viloyat, Shofirkon tumani,
4-sinf o'quvchisi*

БОЙЧЕЧАК, ЭРКА СИНГЛИМ!

Тенгдошингиз Назокат 6-синфда ўқишига қарамасдан, ўз халқи, миллати, юрти тарихини яхши кўради. Ватанини севади. Бу унинг ёзган машқларида шундайгина кўзга ташланиб турибди. Бу албатта бежиз эмас. Балки устозлари, балки бобоси, балки момоси ёки ота-онаси унинг кўксига мана шу муқаддас муҳаббат уруғини қадагандир. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам, унинг юрагида ниш отган шеърятга ихлос, шеърятга муҳаббат ниҳолига кўз тегмасин!

Шеърятнинг ширин азобли йўлларида қоқилмагин, Назокат!

БАҲОР

*Баҳор, баҳор жон баҳор,
Сен мендайн бегубор.
Осмонинг оқ, кўнглинг чоғ,
Боғларинг қизғалдоқзор.*

*Кўзим тўймайди қараб,
Бунча гўзал тўрт тараф.
Кел, бағрингга ол мени,
Соғинганман мен сени.*

*Салом баҳор, азиз дўст,
Гул сочибсан йўлимга.
Мадҳингни куйлаш учун
Қалам олдим кўлимга.*

*Қизғалдоқ-синглим бўлди,
Лола - опам меҳрибон.
Майсаларинг-дўстларим-
Билан тўлди, тўрт томон.*

*Барчамиз кўл ушлашиб,
Пешвоз чиқдик йўлингга.*



*Шивир-шивир ёмғиринг,
Ризқ келтирсин элимга...*

*Қишнинг қаҳри синдимни,
Баҳор қоқди эшикни.
Она-осмон тебратди,
Булутларни бешикни.*

*Қирлар яшил нимчасин
Кийиб таннозландилар.
Лолалар, қизғалдоқлар,
Қизлардай нозландилар.*

*Ёмғир ёғди, яйради,
Бойчечак, эрка синглим.
Осмондай тоза бўлди,
Осмондай ўсди кўнглим...*

*Назокат ҲАМРОЕВА,
Навоий вилояти, Хатирчи туманидаги
Умрзоқ ИСОҚОВ номли 10-ўрта мак-
табнинг 6-синф ўқувчиси. Қўнғирот
қишлоғи*



BOLALIGIM-POSHSHOLIGIM

(topishmoq-hikoya)

Men bolalik davrimda sayr qilishni yoqtirar edim. Ko'chada ketayotganimizda menga «Sovug'i bor qor emas, oppoq, hech kim qor demas» olib berishardi. «Bolalar saroycha» siga ham borib turardim. Dadam meni u yerda qoldirib, o'zlari ishga ketardilar. U yerda «Bir qop un, ichida ustun» ning mevasidan terib maza qilib yer edik. Qishda «Qishin-yozin bir xil to'nda» bayramiga borardik. Dadam bizni u yerga «Ot desam ot ham emas, minsang chopar g'izillab, benzin-moyi bo'lsa bas» da olib borardilar. Oyijonim bilan boradigan bo'lsak, «Izi bo'lsa yuradi, bo'lmasa tik turadi» da borardik. Sirkda barcha hayvonlar qatori «Kelganda to'rt oyoq, ketganda ikki oyoq» bo'lib, u «Suyanmasdan turolmas, sen minsang yurolmas» da uchib, hammani olqishini olardi. Hayvonot bog'iga ham ko'p borardik. U yerdagi «Yo'l-yo'l to'ni bor, odam qo'rqar turqi bor» dan juda qo'rqar edim. «Egnida bor paltosi, qornida bor xaltasi» ni ko'rib, qiziqib qarardim.

Podsholik davrimni shunday joylarga borib o'tkazganman. Xovlimizda «Kunduzi yurib-yurib keladi, kechasi g'alvirdek joyda yotadi», «Boshi taroq, dumi o'roq»lar boqardim. Yana-chi «Ko'zi bilan qoshi yo'q, tug'adigan jonivor» ham boqardim. Ular

menga «Bir uyda ikki o'rtoq, biri sariq, biri oq» dan ko'p berishardi. «Mo'ylovi bor, soqoli yo'q» ni juda yaxshi ko'rib boqardim.

Bir kuni dadam bilan boqqa sayr qilgani chiqdik. Dadam «Qo'lga olganda, yuzimda o'ynar handa, dub, qayin, tol, archani, silliqalaydi barchani. Biron zirapcha qolmas, chunki tig'idir olmos» bilan tolni silliqlashga tushdilar. Shu payt oyog'imda bir narsa o'rmalagandek bo'ldi. Qarasam, «Beli qilday, boshi xumday»ekan. Bir chertgan edim, bechora uchib ketdi. Bir kuni bog'chadan kelsam, oyijonim menga «Tap-tap etadi, ursang uchib ketadi» olib kelibdilar. Men uni ko'chada o'ynab yurgan edim, qo'shnimiznikidan «Soqoli bor, mo'ylovi yo'q» ning ovozi keldi. Ular odatda yuvosh bo'lishsa ham, men ulardan qo'rqaman. Shunday qilib «Podsholik» davrim o'tib ketdi. Va meni «Bilimlar koni»ga berishdi. Men u yerda «Otamdan bir meros oldim, yerga ko'msam, chirimas» ni o'rganishga boshladim.

*Munira QODIROVA,
A. Navoiy nomidagi Nafis san'at*

ОНА ЮРТИМ

Булбулларинг сайрар чаманда,
Ягонасан жумла жаҳонда,
Етдинг шукур, дориламонга,
Гулларга кон-боғу бўстоним,
Она юртим-Ўзбекистоним.

Замин узра таралди номинг,
Элинг бахтли, нурли осмонинг,
Кўкни кучгай шухратинг, шонинг,
Гулларга кон-боғу бўстоним,
Озод диёр - Ўзбекистоним.

Олга қадам ташламоқ - одат,
Бахт иқболни кўзлайсан фақат,
Эртанг бўлар энг буюк давлат,
Гулла, яшна, боғу бўстоним,
Мустақил юрт - Ўзбекистоним.

*Расулжон ДАВЛАТОВ,
Чортоқ туманидаги 50-мактабнинг
10-синф ўқувчиси*

АЁЛГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ



(Боши ўтган сонда)

(У шўх кулади). Мени саволларим ярим ҳазил, ярим чинлигидан қувонади ва ўзи ҳам саволларимга гоҳ эркаланиб, гоҳ пўписа қилиб жавоб қайтараётганидан завқланади. Лекин мен бас келмай, унга саволлар ёғдиришни давом эттираман.

-Энди қайтиб борганингизда Тошкент йигитлари ҳам қишлоқи кўринса керак.

-Йўқ, унчалик эмас. Лекин мен ўзимизнинг урф-одатларни яхши кўраман. Қизларимиз худди маликалардай кийинишларини, «йўқ» деб ноз қилишларини яхши кўраман. Уларнинг охиригача ота-оналарининг эркатой фарзандлари бўлиб, юришларини яхши кўраман. Ўз турмуш ўртоқларининг чўриси сингари итоаткор бекаси бўлишларини ёқтираман. Бутун қалбим, вужудим билан тобе бўлсам-да, тилимда ишва билан «йўқ» дейишни ёқтираман. Эҳ, Ўзбекистонимизга нима етсин!

-Дунёнинг ҳамма ерида бир хил эмасми, қизлар «йўқ» деганда, қалбда муҳаббат оловини кучлироқ ёқиш учун айтмаётган бўладилар-ми?

-Америкалик қизлар «йўқ» дедими, умидингизни узиб кетаверишингизга тўғри келади.

-Агар мен умидимни узмасам-чи?

-Унда у сизни ростакамига беҳаё ҳисоблайди ва тушунтиришга ҳаракат ҳам қилиб ўтирмайди.

Қиз ёлғондакам овозини бир парда баланд кўтариб дағдаға қила бошлайди.

-Кейин билиб қўйинг, бу ерда аёллар ростакамига тенг ҳуқуққа эга. Йўқ дейишдими, йўқ, тамом.

-Жа унчалик эмасдир. Тушунадиганлар ҳам топилар.

-Энди айтаман-да. Бу сизнинг санъатингизга боғлиқ. Лекин Америкада аёллар қаттиқ эъзозланиши рост. Айтайлик, мана сиз эртага Вашингтонга борасиз. У ерда Капитолия майдони бор. Капитолия майдонида эса Америка Кўшма Штатларининг Конгресси биноси жойлашган. Шу бино қуббасининг энг юқорисида Озодлик ҳайкали ўрнатилган. Бу - аёл кишининг тимсолидир. Яъни, қонун чиқарувчи масканнинг энг юқорисида мана юз йилларки аёл кишининг ҳайкали турибди. Америкада эса қонундан кўра кучлироқ кучнинг ўзи йўқ. Айтайлик, шу бинонинг қурилганига 200 йиллар бўлди. 1837 йилда шу бинодан баланд бино қурилмасин деган қарор чиқарилган. Мана, ҳали ҳанузгача Вашингтонда АҚШ конгресси биносидан баланд бино йўқ. Яъни, қонун чиқарувчи бинодан баланд бино йўқ. Бу қонундан устунроқ ҳеч нарса йўқ деган маънода. Вашингтон дунёдаги энг қудратли давлатлардан бирининг пойтахтидир.

Америка аёли шу қадар улуғлагани учундир, шундай қудратли давлатга айланди.

-Энди, ҳайкални ўрнатгани учун қудратли бўлмагандир?

-Гап ҳайкалда эмас, аёл кишига ҳурматда. Орадан юз йиллар ўтиб, бу кичкина ҳайкал Нью-Йоркка ўрнатилди. Озодлик ҳайкалини эшитган бўлсангиз керак. Нега бу ҳайкал ҳам аёл тимсолида? Нега инсон учун энг қадрли туйғу-Озодлик, аёл тимсолида? Чунки аёл муҳаббат тимсоли, Ватан тимсоли, тинчлик тимсолидир. Озодлик-ҳайкали-Америка мустақиллиги тимсолидир.

Гулсара (у ўзини шундай таништирди) нинг қоп-қора кўзларида саодатманд туйғу ялтираб кетди. Қани сўзларимга нима деркин деб, менга қарарди. Мен эса бироз айбдордай кўзимни иллюминатор томонга олиб қочдим. Рост, нима дейишни ҳам билмасдим. Ахир мен ҳам аёл кишига меҳру- муҳаббат чексиз бўлиши тарафдори эдим-да. Шу пайт Гулсаранинг таъқиб этувчи нигоҳидан қутилишига сабаб топгандай:

-Ана қаранг, шаҳарга яқинланаяпмиз, - дедим қувониб.

Гулсара иллюминатор томонга энгашди. Чек-

сиз баҳри муҳит тугаб, ер кўрина бошлаган, самолёт пастга қараб энкаяётганди. Шу пайт стюардесса хонимнинг майин овози таралди:

-Ҳурматли йўловчилар! Самолётимиз Нью-Йорк шаҳрига яқинлашмоқда. Илтимос, бел камарларингизни боғлангиз. Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси ходимлари барчангизга хуш кайфият тилайди. Эътиборингиз учун раҳмат.

Кейин шу сўзлар инглиз тилида такрорланди.

Мен завқ билан иллюминатор ойнасидан Нью-Йорк шаҳрини томоша қила бошлайман. Кўзим қўлини кўтариб турган Озодлик ҳайкалига тушади.

-Ана сиз айтган Озодлик ҳайкали. Опоқ ва жуда салобатли экан.

-Мен уни яқиндан кўрганман. Пастда туриб кўрсангиз бундан ҳам улуғвор кўринади.

-Албатта бориб кўринг. Бизда бундай ҳайкал қурилмаган бўлса ҳам, лекин ўзбек аёлига нисбатан мана шу ҳайкал даражасидаги меҳру-муҳаббат, эҳтиром бор. Биз ўз ҳурматимизни ҳайкалларга эмас, қалбимизга жойлаганмиз.

-Шундай бўлсин!

Биз тушишга тайёрлана бошладик. Мени номаълум Америка кутиб турарди...

Бизга ёзадилар

КИТОБ ФИКР УЙФОТАР



Яқинда Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 4-мактабга йўлим тушди. У ерда таълим олаётган ўқувчилар орасидаги шеърятга, бадий адабиётга ихлосмандларни кўриб қувондим. 4-синф ўқувчиси Абдунаби Жўраев «Армон» достонини ёд айтиб берди. У мени ҳайратга солиб шоир Усмон Азимовнинг «Бахшиёна» китобидаги Алпомишнинг Барчинойга айтган сўзларини ҳам маҳорат билан ўқиб берди.



Абдунаби сухандон ёки журналист бўлман дейди. Абдунабининг онаси Тожиниса опа ўели ҳақида гапириб, «Абдунаби далага мол боққани чиқса ҳам, қўлида доим китоб. Кўп ўйнамайди, бўш вақт топса китоб ўқийди. Бахтимга болам ватанга хизмат қиладиган паҳлавон йигит бўлиб етишсин», деб ният қилади.

Мен ҳам шу ниятга қўшиламан. Илоҳим, барча болалар китобга ошно бўлсинлар. Китоб инсонни эзгуликка чорлаб, ухлаб ётган фикрларни уйфотади, ахир!

Маъмура МАДРАҲИМОВА.

МАҚСАД УЧУН ИНТИЛИНГ

Газетанинг 9-сонидаги «Орзуларим наҳотки сароб» мақоласини ўқиб, ҳайрон бўлдим. Муаллиф ёзишича, уларнинг оталари қиз бола фақат уй ишларини қойиллатиши зарур, ўқиш эса иккинчи даражали, дер экан...

Ҳозирги кунда ёшлар ҳатто чет элларда ҳам таҳсил олиб, ўз билим ва иқтидори билан таҳсин олмоқдалар. Ойнаи жаҳон орқали бундай ёшлар кўрсатилганда, очиги ҳавасим келади. Мен ҳам мактабни битириб, олийгоҳда ўқишни орзу қиламан. Таниш-билиш ёки катта пул эвазига ўқишга кирганлар ҳақида «эртақ» эшитиб, уларга асло ишёнмайман. Чунки ҳар бир ишга ўз билимим ва меҳнатим орқали эришишимга ишонаманда! Мақола муаллифи

ўз отасига, онаси ёки яқин кишилари орқали эзгу ниятини тушунтирсин. Энг асосийси билим олишдан асло чарчамасин. Бугунги кунда юрт ишига яраб, юқори лавозимларда фаолият кўрсатаётганларнинг болалик пайтлари қандай ўтганлиги билан қизиқсин. Улар ўзларига ўхшаш тақдирлар ҳақидаги мақолаларни оталарига ўқиб берсалар ёмон бўлмасди.

Интилганга толе ёр бўлиши - тарихий ҳақиқатдир.

Муниса ШАРИПОВА,
Бухоро вилояти,
Гиждувон туманидаги
25-мактабнинг 6-синф ўқувчиси.

ЎЗАЛЛИК ОШУФЛАДИ

Иқтидорли ўқувчиларнинг Республика слётига келган қобилиятли болалар орасида кашпачи қиз Манзура Муродуллаева ҳам бор эди. Манзура Сурхондарё вилоятидаги 9-мактабнинг II-синф ўқувчиси. У бу анжуманга кашпачилик йўналиши бўйича иштирок этди.

Кашпа тикишни Манзура ойижонисидан ўрганган экан. У ёшлигида ойиси кашпа тикади. Ёшгина қизалоқ бўлган Манзура эса ойисининг ёнида ўтириб игна тутган бармоқларига тикилар, назарида оддийгина бўлиб кўринган ипақлардан шундай гўзал нақшлар пайдо бўлаётганига ҳеч ишонмас эди. Баъзан эса жажжи

бармоқлари билан игнани аста ушлаб тикишга уринарди. Қизидаги қизиқишни сезган ойиси унга аста-секин кашпа тикишни ўргата бошлади. 10 ёшида Манзура кашпа тикишни ўрганиб олди. Ҳозир Манзура мактабдаги «Миллий ҳунармандчилик» тўғрисида қатнашади. Бу тўғрисида устози Ҳақиқат опа Саломовдан кашпачилик сир-асрорларини ўрганипти.

-Келажакда ким бўлмоқчисиз?-деб сўрадим ундан.

-Орзуим-онажонимга ўхшаб мактабда меҳнатдан дарс бериб, ўз ҳунаримни қизалоқларга ўргатишдир,-деди Манзура.-Чунки, кашпачилик бу-миллий ҳунармандлик санъати бўлибгина қолмай, балки тагида катта ҳикмат ётадиган бир ҳунар ҳамдир. Момолар дўппи

тиканларида: «Буни кийганнинг боши омон бўлсин»,-деб дуо қиладилар. Қийиқча тикаётиб: «Шуни таққаннинг бели бақувват бўлсин», деб ният қиладилар ва эзу ниятларини ипақларга эшиб, нақшларга жо қиладилар. Кўйлак тиксалар: «Тўйга кийсин...» дейдилар ва кашпа билан безайдилар...

Ўзи танлаган касби ҳақида илҳомланиб сўзлаётган бу қизнинг моҳир кўллари ярапган гўзал кашпаларни кўриб беихтиёр халқимизнинг «Ҳунар ўрганиш учун ҳам ҳунар керак», деган ажойиб мақолини эсладим. Гўзаллик ошлуфтаси бўлган ижодкор қизнинг орзулари ушалсин.

Сайёра ҲАМИДОВА

ТИКИШНИ ЎРГАНИШ

Бугунги кунда деярли ҳар бир хонадонда тикув машиналари бор. Айниқса замонавий янги технология асосида яратилган тикув машиналари кўзни қувнатади. Уй бекалари каби зиёли, ишчи ва тадбиркор аёллар ҳам ўзларига чиройли либослар, кўйлақчалар, уй буюмлари тикиш учун шундай тикув машиналаридан фойдаланадилар. Бундай фазилатли аёллар доимо хурмат ва иззатда бўладилар. Азиз ўқувчи сингилларим! Агар сизлар ҳам тикув машиналаридан фойдаланмоқчи бўлсангиз, лекин кўрқингизни ваҳ қилиб юраверсангиз, осонгина «қўли йўқлар» тоифасига кўшилиб қоласизлар. Шунинг учун бирор ишни бошлашдан олдин кўрқмай, аксинча ўрганиш учун астойдил киришинг. Айтадиларку «кўз кўрқоқ, қўл ботир», деб.

Даставвал тикув машинангизни ёруғ ва кенг, қуруқ хонага қўйинг. Машина қўлланмаси билан яқиндан танишиб чиққангиздан кейин, ишга киришингиз мумкин. Устки ва пастки ипларни қондаси бўйича ўтказиб, бир қийтим матони маши-



на панжачаси тагида қўясиз. Панжачани бостириб тикишни бошлайсиз.

Асосий талаб - бир текис яхши тикмоқдир. Лекин ҳар доим ҳам чиройли тикишга осонликча эришиб бўлмайди. Баъзида машина «инжиқ» бўлиб қолади: ҳали ип узади, ҳали ташлаб ёки халқалаб кетади. Агар тикилган

чокнинг устки қисми халқаланса, демак тепадаги ип таранг тортилган бўлиб, пастдаги ип бўшаб қолган бўлади. Ипни қондасига мувофиқлаштириш учун регуляторни чапга бураб, устки ипни сал бўшатиш ёки таранглантиш керак бўлади. Агарда матода тикилган қатнинг қуйида халқаланса, юқоридаги амалларнинг аксини бажариш керак.

Тикишни ўрганаётган паллангизда ип узиши юз бериши мумкин. Шунда синчиклаб қаранг-чи, ипни тўғри олиб ўтказганмикансиз. Баъзида, ҳатто игнанинг нотўғри қўйилиши ҳам ип узилишига олиб келади. Игнани игнавандга тўғри қилиб, игна тарновини ўнгга қаратиб қўйиш керак. Яна бир маслаҳат, тикаётганингизда матони панжача тагидан тортиб олиш ярамайди. Тикилган чокнингизнинг йирик ёки майда бўлишини чок регуляторини бураб, сўнгра маҳкамлаб амалга оширасиз.

Машинангизни мойлаб туришни асло унутманг. Мойлагандан кейин ҳам дарров тикишга шошилманг. Аввал бирорта қийқимларни тикиб кўриб, кейин матоларингизни тикишга киришинг.


Муҳаррама сабоқ берди.

БОШҚОТИРМА

1. Кўзи ялтирайди, ичи қалтирайди.
2. Бол йиғувчи ҳашарот.
3. Одамнинг овқат ҳазм қилувчи аъзоси.
4. Чиройли гулли ўсимлик.
5. Қора хол, тўхтатар дарҳол.
6. Оғзи йўқ, лек тиши бор.
7. Кичкина декча, ичи тўла миҳча.
8. Космик кема.
9. Қишин-ёзин бир хил кийимда.
10. Ипнинг «ак»си.
11. Иккита онаси, ўн иккита боласи.
12. Миллий ширинлик.
13. Белга боғланадиган камар.
14. Олимларнинг «ак»си.
15. Макондир далалар, ер тагида болалар.
16. Айиқполвоннинг сеvimли ширинлиги.
17. Иши доим тақир-туқур, қайда илон кўрса чўқир.
18. Қулоғи том битган най.
19. Йўлдаги ҳамроҳ.
20. Қўлсиз-оёқсиз эшик очар.
21. Энг кичик ҳажвий асар.
22. Субтропик мева.
23. Наврўзнинг тансиқ таоми.
24. Шоколад дарахти.
25. Ернинг йўллоши.
26. Айтиб туриб ёздирладиган ёзма иш.
27. Ҳисоб-китоб дарси.
28. Ҳовлига кириладиган катта эшик.
29. Хат солинадиган жилд.
30. Мусиқачилар гуруҳи.
31. Жамоат транспорти.
32. Тижоратдан келадиган фойда.
33. Иеботсиз теорема.
34. Чақалоқни кўриб, берилладиган суюнчи.
35. Ўзбекистон ёшлар уюшмаси.
36. Инсоннинг поғона суяги.
37. Мансаб.

Тузувчи: Шерзод ЗОИРОВ,

Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчиси.



Ўтган сондаги бошқотирманинг жавоби:

МУМТОЗ ШОИРЛАР:

1. Жомий. 2. Навоий. 3. Рудакий. 4. Гулханий. 5. Фирдавсий. 6. Дехлавий. 7. Муқимий. 8. Завқий. 9. Румий.

TONGYULDUZI

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Шухрат АҲМЕДОВ,
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир
"Ijod dunyosi"
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 39092
нусада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ.
Буюртма - К-7844
Газетани
Абдуҳамид
АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.
Навбатчи:
Муҳаррама
ПИРМАТОВА

Руйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навобий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34